

Нега аср намозидан олдин суннат ўқилмайди?

15:54 / 24.04.2016 6226

САВОЛ: Намоз китобларида «Аср намози тўрт ракъат фарздан иборат» деб ёзилган. Лекин Ҳанафий мазҳабида тўрт ракъат суннат ҳам ўқилар экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмас экан дейишди. Шу хусусда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Инсоф билан, тўғри эътироф қилиб айтишимиз керакки, ҳозирги кунда бизда тарқалган намоз китоблари жуда мухтасар, намоз учун энг зарур бўлган нарсаларнигина тилга олган китоблар ҳисобланади. Шунинг учун, бу китоблардаги маълумотни намоз тўғрисидаги тўла маълумот деб қабул қилмаслик керак, балки зарурий-биринчи навбатда керак бўлган маълумотлар деб қабул қилиш керак. Иккинчидан, бу саволнинг келиб чиқишига бизда Исломининг тартибли низомий таълим-тарбияси йўқлигидан ҳосил бўлган вазият сабаб бўлган. Исломи билган кишилар учун бу саволлар биров кулгили бўлиши мумкин ёки кичкина болаларнинг саволига ўхшаши мумкин. Лекин, бизнинг шароитимиз мана шу нарсани тақозо қилиб қолган. Чунки ҳар ким имкони етганича, ўзи топганича, қўлига тушиб қолган қандайдир китобданми, рўпарасидан чиқиб қолган қандайдир намозхонданми намоз ўрганишга, уни ўзининг ҳаётига тадбиқ қилишга ўтиб қолган. Шунинг учун бунга ўхшаган саволлар кўп бўлади.

Энди саволнинг асосий моҳиятига қайтадиган бўлсак, «Аср намозининг тўрт ракъат фарздан бошқа тўрт ракъат суннати ҳам бор экан. Бу тўғрида маълумот Ҳанафий мазҳабида бор экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмайди экан» деган савол. Дарҳақиқат, барча китобларимизда Аср намози тўрт ракъат фарздан иборат дейилади, суннат тўғрисида сўзлар деярли йўқ, баъзи бир жойлардагина бор. Асрнинг суннати тўғрисида шуни айтишимиз мумкинки, бу суннат машҳур суннат эмас, таъкидланган суннат эмас, балки бу ҳақдаги ривоят Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг битта ҳадисларида келган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари мана шу тўрт ракъат суннатни-асрнинг суннатини доимий равишда ўқиб юрганларини биров кўрган ҳам эмас, ривоят ҳам қилган эмас. Шунинг учун уламоларимиз бу суннатни «маҳбуб нарса-мандуб нарса» деб атайдилар, намозни баён қилиш вақтидаги таъкидланган суннатлар қаторига қўшган

эмаслар. Бошқа намозларнинг, масалан, Бомдоднинг икки ракъат суннати, Пешиннинг фарздан олдинги тўрт ракъат, фарздан кейинги икки ракъат суннати, Шомнинг фарздан кейинги икки ракъат суннати, шунингдек, Хуфтонники ҳам, булар-«суннати муаккада» дейилади. Уларни Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам доимо ўқиб юрганлар ва сизу биз умматларига ўқишни тавсия қилганлар. Асрдан аввал ўқиладиган тўрт ракъат суннатнинг эса, ҳалиги айтганимиздек, бунчалик таъкиди йўқ. Шунинг учун буни уламолариимиз «мандуб намоз-махбуб намоз» дейишган. Хоҳлаган кимса ўқиса, яхши бўлади, ўқимаганларга ҳеч қандай маломат йўқ, ҳеч қандай нуқсонга йўл қўймаган бўладилар. Валлоҳу аълам.